

* **GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI** *

* **Gumanitar – ijtimoiyfanlar seriyasi, 2021. № 3 ***

Filologiya

УДК 821.512.133 (09)

POSSIBILITIES OF QUATRAIN AND SAYKALI'S MASTERY

ТҮРТЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА САЙҚАЛИЙ МАХОРАТИ

ВОЗМОЖНОСТИ ЧЕТВЕРОСТИШИЯ И МАСТЕРСТВО САЙКАЛА

Маматқұлов Музаффар Рахмонқұлович

Гулистан давлат университети, 120100. Сирдарә вилояты, Гулистан шаҳри, IV микрорайон

E-mail: mamatqulov1973@mail.ru

Abstract. The quatrain has long been considered one of the most common poetic forms in the samples of our oral and written literature. In addition to their independent use, they can perform an important poetic function as part of literary works. The article considers reflections on the role of the quatrain in the composition of three-dimensional works. Saikali's poem "Bahrom and Gulandom" was chosen as the object for this. In the epic, quatrains are widely used in the conversation between Prince Bahrom and Princess Gulandom. Quatrains are also important because they make the conversation between the prince and the princess extremely clear to the reader. The conversation is conducted in the form of questions and answers. Bahrom gives answers to every question of Gulandom. Each given answer raises new and new questions. That's how interesting the conversation continues. In the ideas expressed, there is a full opportunity to make a final conclusion. Because each quatrain is logically interconnected, complements each other in content and serves to realize the poetic goal that the poet wants to express. In the quatrains, along with the feedback associated with the main characters, the image of their inner experiences leads. The capabilities of the quatrains are evidenced by the skill of the poet and the fact that they fully convey the spiritual experiences of the main characters of the epic in interesting examples.

Keywords: quatrain, epic, form, genre, genre possibilities, skill of the poet, image of the state of mind

Аннотация. Четверостишие издавна считается одной из наиболее распространенных поэтических форм в образцах нашей устной и письменной литературы. Помимо самостоятельного применения, они могут выполнять важную поэтическую функцию в составе литературных произведений. В статье рассмотрены размышления о роли четверостишия в композиции объемных произведений. Объектом для этого была выбрана поэма Сайкали "Бахром и Гуландом". В эпосе четверостишия широко используются в процессе разговора между принцем Бахромом и принцессой Гуландом. Четверостишия также важны тем, что с их помощью разговор между принцем и принцессой предельно ясным для читателя. Разговор проводится в форме вопросов и ответов. На каждый вопрос Гуландома Бахром даёт ответы. Каждый данный ответ вызывает новые и новые вопросы. Вот так интересно продолжается беседа. В высказанных идеях полностью присутствует возможность сделать окончательный вывод. Потому что каждое четверостишие логически взаимосвязано, дополняет друг друга по содержанию и служит для реализации поэтической цели, которую хочет выразить поэт. В четверостишиях наряду с обратной связью, связанной с главными героями, лидирует образ их внутренних переживаний. О возможностях четверостиший свидетельствуют мастерство поэта и тот факт, что они полностью передают духовные переживания главных героев эпоса в интересных примерах.

Ключевые слова: четверостишие, эпос, форма, жанр, жанровые возможности, мастерство поэта, образ душевного состояния

Кириш. Сайқалий адабиёттимиз тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган шоирлардан бири саналади. У ўзининг “Баҳром ва Гуландом” достони билан ўзбек достончилиги ривожига муносиб хисса кўшган. Шу жиҳатдан қаралса, Сайқалий ижоди ва унинг достончилик тараққиётидаги ўрнига баҳо бериш бевосита миллий қадриятларни тарғиб этиш масаласи билан боғланиши жиҳатидан ҳам долзарблик касб этади.

Мазкур мақола Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонини ўрганишга бағишланган. Унда достондаги тўртликларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. “Баҳром ва Гуландом” достони маснавийда ёзилган бўлса-да, унинг таркибида бир неча кичик жанрлардан самарали фойдаланилганлиги кузатилади. Улар орасида мухаммас қўплиги жиҳатдан етакчилик қилгани ҳолда мусаддас, мустазод ва тўртликларнинг ҳам борлиги уларнинг достон композициясида ўзига хос ўринга эга эканлигини кўрсатади. Бу ҳодиса адабиёттимиз тарихи учун янгилик эмас. Буни яхши билган Сайқалий мавжуд адабий анъана имкониятлари даражасида ижод қилишни мақсад қиласди ва муваффакиятли равишда унинг уддасидан чиқади.

Тадқиқотнинг мақсади Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонини замон талаблари даражасида ўрганишдан иборат бўлиб, қуидаги вазифаларни ўз ичига олади: “Баҳром ва Гуландом” достони композициясида кичик жанрларнинг тутган ўрнига баҳо бериш; шоирнинг тўртликлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш; Сайқалийнинг достоннавислик маҳоратини тадқиқ этиши.

Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар

Ўзбек адабиётшунослигида Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонига алоқадор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бирор олимлар эътиборидан четда қолган муаммолар ҳам бор. Хусусан, достон таркибида қўлланилган кичик жанрлар шулар жумласига киради. Сайқалий достон композициясида тўртликларнинг имкониятидан ҳам унумли фойдаланади. Илк бор мазкур тўртликларнинг алоҳида тадқиқ этилиши тадқиқотнинг ўзига хос янгилиги хисобланади. Тадқиқот обьекти сифатида Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони танланган. Унда тарихий-қиёсий методдан фойдаланилди. Мазкур мақола Сайқалий ижодида кичик жанрлар, хусусан, тўртликларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланганлиги билан мухим аҳамиятга эга.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Тўртликларнинг шеъриятда қўлланилиши ёзма адабиётнинг дастлабки шаклланиш даврига ҳам хос ҳодиса хисобланади. Ҳозирча энг қадимги ёзма адабиёт намуналари хисобланган туркий монийлик ва буддавийлик шеърларида тўртликларнинг фаол эканлиги кузатилади. Албатта бу тўртликлар ислом мұхитига қадар катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Исломгача бўлган адабиётда тўртликлар, асосан, аллитерацион шеърларда қўлланилди. Кейинчалик ислом мұхитида эса кофия шеърнинг асосий унсурига айлангач, тўртликларнинг яратилишида ҳам кофия мезонларига амал қилина бошлади. Бу ҳолат, хусусан, “Кутадғу билиг” достонида кузатилади. Гарчи асар маснавий асосида яратилган бўлса-да, унинг таркибида тўртликларнинг мавжудлигини қадимги туркий адабиётга хос анъананинг давом этиши сифатида баҳолаш мумкин [1], [3].

Тўртликларнинг туркий исломий адабиётда етакчи мавқега эга бўлишида Адіб Аҳмад Юғнакий ижоди мухим рол ўйнади. “Ҳибат ул-ҳақойик”нинг муқаддима бобларидан ташқари асосий қисмининг тўртликлар шаклида ёзилиши бунинг ёрқин тасдифидир. Адіб Аҳмад “Ҳибат ул-ҳақойик” асарида ўз даври, ўзигача бўлган туркий халқлар оғзаки ва ёзма адабиёти,

* ***GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI*** *

* ***Gumanitar –ijtimoiyfanlar seriyasi, 2021. № 3*** *

шунингдек, Шарқ адабиётига хос тажриба ва анъаналарга таянди ҳамда шубҳасиз уларнинг давомчисига айланди [4], [5].

Шундай килиб, тўртликлар қадимги туркий шеъриятдан ислом даври адабиётигача узлуксиз ривожланиш даврини босиб ўтди ва ҳар бир даврдаги (монийлик, буддавийлик, ислом) адабий анъаналар асосида тараққий эта борди.

Тўртликларнинг катта асарлар таркибида кўлланилиши кейинги даврларда яратилган бадий ижод намуналари учун хос ҳусусият саналмайди. Бирок бу ҳодиса Сайқалий ижодига тааллукли эмас. Чунки шоир “Баҳром ва Гуландом” достонида тўртликларнинг имкониятидан ҳам самарали фойдаланади ҳамда Юсуф Ҳос Ҳожиб, Адид Аҳмад Юғнакий каби ижодкорлар анъанасининг давомчисига айланади. Достондаги тўртликлар шаҳзода Баҳром ва малика Гуландомнинг дастлабки учрашувидаги сухбат жараёнида кўлланилади. Тўртликлар Гуландомни қизиқтирган саволлар билан бошланади. Чунки малика томонидан номаълум йигитга алоқадор аниқлаши лозим бўлган муаммолар жуда кўп эди:

Айди Гуландом: -Аё, жўлида аҳволим гапур,

Эй, фалак урғон, аламлик малбуси шолим, гапур,

Не сабабдин сан бу расвоникда бўлдинг мубтало?

Эмди изҳор айла ич дардингни абдолим, гапур [2].

Малика томонидан айтилган саволга асосланган ҳар бир тўртликка Баҳром тарафидан жавоб кайтарилади. Берилаётган жавобларнинг ҳар бирида шаҳзоданинг ички кечинмалари тасвирига алоҳида эътибор қаратилади:

Айди шаҳзода: -Мани арзимни, эй моҳим, эшит,

Холима эрмас тонуқлук, нолау оҳим эшит,

Сандин ўзга ҳеч киши ҳолимни сўргон йўқ эди,

Айтайн дардимни кам-кам духтари шоҳим эшит[2].

Тўртлик мазмунидан кўриниб турибди, жавоблар маликани уччалик ҳам қаноатлантирмайди. Бу йигитда қандайдир дард билан биргаликда сир ҳам яширганганилиги маълум. Унга ҳамдард керак. Шунинг учун ҳам у дардига шерик изламоқда. Маликани бу номаълум йигит жуда қизиқтириб қўяди. Унинг кимлиги, қаердан келганлиги ҳам жумбок. Буни аниқлаш керак. Саволларга кўмилган тарзда сухбат яна давом эттирилади:

Айди Гуландом: -Аё, саргашта, жойинг қайсиidor,

Сидқи ихлосинг била билган Худойинг қайсиidor,

Қайси йўлдин, қайси чўлдин мунда туштунг зор ўла,

Ота-онанг ким эрур юрган диёргинг қайсиidor?[2]

Ҳар бир саволни Баҳром ўзи учун маликага яқинлашиш йўлидаги бир имконият сифатида қабул қиласи. Шунинг учун ҳам жавоблар сирли бўлиши лозим. Шу йўл билан маликани ёнида кўпроқ ушлаб туриш ва ўзига ром этиш йўлларини топиш мумкин. Ҳар бир жавоб янги-янги саволларнинг туғилишига сабаб бўлади. Сирлилик борган сари Гуландомдаги қизиқишининг ортишига ва сухбатнинг чўзилишига олиб келади. Шаҳзоданинг бундан ўйланган мақсади аста-секинлик билан амалга оша бошлайди. Бу эса малика ва шаҳзода учун барбирини яхшироқ билиб олишнинг қалити вазифасини ҳам ўтайди. Баҳромнинг жавобини кузатамиз:

Айди шаҳзода: -Шу ётқон жой жойимдур манинг,

Ким бу савдоларни солғон бир Худойимдур манинг,

Ота-онам шавқу завқимдур, сипоҳимдур жўнун,

Остонинг ястониб ётқон саройимдур манинг[2].

Сирлилик борган сари кучайиб бормоқда. Аниқ жавоблардан эса дарак йўқ. Ётган жойининг ватани эканлиги, бошига тушган савдоларнинг сабабчиси сифатида фақат Яратганини билиши, шавқу завқни эса ота-онаси деб англаш, маликанинг остонасини саройи сифатида

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***
*** Gumanitar –ijtimoiyfanlar seriyasi, 2021. № 3 ***

қабул қилиш унинг ошиқлигига бир ишорадир. Гуландом ҳам буни хис қила бошлагандек таассурот уйғотади:

Айди Гуландом: -Гадо ҳолингго боқиб сўзлагил,
Нега ўзга қизди қўй ўртода бизни кўзлогил,
Немати алвони хуснумга таманно айладинг,
Ўлтур, ўлтур, шул умидга рўдаларни тузлагил [2].

Малика йигитнинг бундай орзуларини хомхаёлликка йўяди. Ўзига бошқа қизни танлаши лозимлиги хақида маслаҳат ҳам беради. Бироқ шахзоданинг қарори қатъий, асосий мақсади Гуландом висолига эришиш. Шунинг учун ҳам у анчадан бери сарсон ва саргардон. Шоҳона хаётидан воз кечиб, ғариблиқ йўлини тутди. Ошиқлигининг малика учун маълум бўла бошлагани шахзоданинг ишқий дардларини айтиш имкониятларини кенгайтиради. Энди у ҳақиқий ошиқ эканлиги исботлаши лозим. У оддий ҳавасмандлардан эмас:

Айди шаҳзода: -Аё жонона, муштоқингдурام,
Мусрифи хуснунг закоти берки қашшоғингдурам,
Сан дема бу сўз била бу ерда мот айлай муни,
Неча муддатдин бери бу ерга тузхоҳингдурам[2].

Сирлар аста-секинлик билан очила бошлайди. Ошиқлик бу йигитни Чин юртига бошлаб келган экан. Ишқ - давосиз дард. Маликага эришиш эса осон эмас. Бунга ҳаракат қилганлар жуда кўп бўлган. Холва деган билан оғиз чучимайди. Йигитнинг кимлиги ҳалигача номаълум. Суҳбат йўналиши ҳам ўзгараётгандек. Малика йигитни энди тергашни тўхтатгандек, гўё:

Айди Гуландом: -Ажаб сўз айтасан, бемарҳабо,
Бемаза сўз кўп урарсан, кўпни кўрган беҳаё,
Оласан, ҳалво дегон бирлан бўлур оғзинг чучук,
Юз табибга баш уруб юрсанг, бу дардга йўқ даво [2].

Шаҳзоданинг кейинги гаплари маликага ёқмаётгандек таассурот уйғотади. Бемарҳабо, бемаза, беҳаё сўzlари унга берилаётган сифатлардек қабул қилинади. Учинчи ва тўртинчи мисралар образлилик касб этмоқда. Суҳбат яна давом этади. Шаҳзода бу сўzlарни ўзига уччалик ҳам оғир олмайди. Балки улардан фойдаланган ҳолда фикрларини асослашга ҳаракат килиб, маликадан ўзига нисбатан илтифот кўrsatiшини сўрайди:

Айди шаҳзода: -Аё, ҳозик табибим сан манинг,
Не бўлур, дардинг не деб, сўрсанг ғаривим деб манинг,
Ҳазрати Тангри таолодин муродим шул эрур,
Айласа тақдир агар бўлсанг насибам сан манинг[2].

Дардига юзлаб табибининг даво тополмаслигини шаҳзода ҳам яхши билади. Унинг даволовчиси фақат малика Гуландом бўлиши мумкин. Шунинг учун маликани ўзига табиб, деб хисоблайди ва ундан мадад кутади. Учинчи ва тўртинчи мисралар Бахромнинг ниятини тўлиқ намоён этади. Бунга малика ҳам ўзига хос тарзда жавоб қайтаради. Ошиқларининг жуда кўп бўлганлиги, шаҳзоданинг бу мажнунсифат ҳолати унинг учун янгилик эмаслиги, ҳаётда жонон учун жондан кечган битта у эмаслиги каби фикрлар кейинги тўртлик мазмунини ташкил этади. Баҳром эса ўз ишқининг бошқаларга сира ҳам ўхшамаслигини алоҳида таъкидлаб, маликани ўзгалар билан солиштирмасликка чақиради. Суҳбат эса борган сари қизиқарли тус ола боради. Шаҳзода ҳам, малика ҳам ўзларини жуда эркин ҳис қилишади. Гўёки, илгариги эски қадрдонлардек суҳбатни давом эттиришади. Буни ўзига имконият деб билган шаҳзода борган сари мақсадларини очиқ баён қила бошлайди:

Айди шаҳзода: -Биҳишти жовидоним сан манинг,
Ҳавзи кавсардин хабар айтур лаби қирмизларинг,
Ўлсам армоним йўқ эрди, эй гўзаллар сарвари,
Қўлтуғум таҳтига бўлса буйла болин изларинг [2].

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***
*** Gumanitar – ijtimoiyfanlar seriyasi, 2021. № 3 ***

Малика шаҳзоданинг гапларидан хеч ҳам хафа бўлмайди. Балки ўзини унга яқинроқ тута бошлади. Тасавурида нимадир уларни ўзаро боғлаб турганлигини хис қилаётгандилиги сезилади. Кўнглини узиб, сухбатни ташлаб кетолмайди. Шунинг учун ҳам шаҳзоданинг қочиримларга бой гапларига мос жавоб беришга ҳаракат қиласди. Гўзаллар сарвари дея эътироф этилаётган Гуландомнинг сўзларида юморга бой ифодалар пайдо бўлади:

Айди Гуландом: -Аё эй, эси кетган булхавас,
Бас бу ҳолинг бирла кўнглунг анча-мунча истамас,
Ҳар киши ўз ҳолини билиб гапурса яхшидур,
Хуб ярошур кўлтуғунгни остига бир даста хас [2].

Тўртлик мазмунидан малика шаҳзодага танбех берётгандек таассурот уйготади. Бирок бу ҳақиқий норозилик белгиси эмас. Балки оддий бир насиҳатдай гап. Энди сухбатнинг тугаши асло мумкин эмас. Борган сари шаҳзода ўз фикрида қатъий туриб, висол орзусидаги шаштидан қайтмайди:

Айди шаҳзода: -Қачон бўлгай кўлунгдин ушласам,
Олмаларинг исқаб-исқаб, лабларингдин тишласам,
Шунча ҳам туфрокда оғноб ётқоним басдур манго,
Эмди лозимдур уч ой бағримда олиб кишиласам [2].

Гуландом тасавурида сухбат ҳам айниб кетди. Шунинг учун бўлса керак шаҳзодани “эси кетган мурдашў”, деб атайди. Сўзларининг аввал сал мағзи бордек кўринганди. Энди эса айтган гаплари чегарадан чикиб кетди. Канизакларининг унга рўпара қилганидан норозидек, гўё:

Айди Гуландом: -Аё, эй эси кетган мурдашў,
Киз-хотунлар мени санга нега этти рўбарў,
Аввал-аввал сўзларингни мағзи андак бор эди,
Эмди чиқти сўзларингни орасидан латтабў [2].

Бу сўзлардан шаҳзоданинг шашти сал пасайиб, хафа бўлгандек кўринади. Тўртлик мазмуни ҳам шундан дарак беради. Менга илтифот кўрсатиб, ўзингни сирдошдек тутдинг, бундан орамизда яқинлик пайдо бўлди, деб ўйлагандим. Сўнг эса исмимни мурдашў атаб, яхшилаб хурматимни жойига қўйдинг, деган фикрлар шаҳзода гапларининг асосини ташкил этади:

Айди шаҳзода: -Гулим аввал худ оғоз айладинг,
Илтифот айлаб мани ўзингга ҳамроз айладинг,
Ман дедим бир ошнолик бўлди ўхшар ўртада,
Мурдашў қўйдинг отимни, яхши эъзоз айладинг [2].

Гуландом ноўрин айтган сўзлари учун кечирим сўрагандек бўлади. Йигитнинг кўнгли қолмасин, деб ўйлайди. Ҳатточи, агар ўладиган бўлсанг гўру кафанингни ўзим қилайин, деган таклиф ҳам билдиради. Бу гапларга жавобан шаҳзода ишқ ўти билан мени тириклиайн ўлдириб бўлдинг, энди ўлсам хоҳ гўри кафан қилғил, хоҳи килмагил, менга фарқи йўқ дегандек жавоб қайтаради.

Бундан Гуландом ҳайратга тушади. Бу сўзлар унга маънисиздай бўлиб туюлади. Ҳар бир гапи бетайин ва пайдар пай, гўёки, қанотсиз, пайконсиз отилган ўққа ўхшайди. Қандай қилиб ўлик тирик одамга даъво қилиши мумкин. Дунёда бундан ҳам баттар нодон бўлмаса керак:

Айди Гуландом: -Ман айдим сўзларингни мағзи йўқ,
Ҳар бири бир тири паррондур пару пайкону йўқ,
Ҳеч эшишибсан ўлук тирика даъво айламиш,
Эмди билдим, дунёда сандин батар нодони йўқ [2].

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***
*** Gumanitar – ijtimoiyfanlar seriyasi, 2021. № 3 ***

Шаҳзоданинг ҳар бир гапи малика билан боғлиқ ҳолда ифодаланади. Айтилишича, унинг сўзлари тирилишига сабаб бўлмоқда. Беҳаёлигининг сабаби эса маликанинг кийикдек кўзлари. Гуландомнинг ёнидан кетишини шаҳзода сира ҳам хоҳламайди. Шунинг учун ҳам маликага очиқ мурожаат қиласди:

Айди шаҳзода: -Ўлуб эрдим, тиритти сўзларинг,
Беҳаё қилди мани ваҳший кийикдек кўзларинг,
Ўргилай бошингдин, э мөх, ёна кетсанг ўламан,
Мехрибонлиф бирла амр эт кўма кетсун қизларинг [2].

Бу гаплардан сўнг малика ҳам сал бўшашибандек бўлади. Йигитнинг ўлимига асло рози эмасдек фикр юритади. Унга насиҳат қилган одамдай ўзига бемаҳал ўлим тиламаслиги кераклиги ҳақида сўзлайди. Факат уйланишга мендан бошқа киз қурибдимикан, деган эътиroz ҳам билдиради:

Айди Гуландом: -Йигитсан, ўлма то етмай ажал,
Нима зўр келди тилаб ўзунгго марги бемаҳал,
Мандин ўзга қиз қурубтуму, агар олур бўсанг,
Ай фалони, билмам отинг Миршарифму, Мирбадал[2].

Шаҳзода ўз фикрида событ. Унинг ўзгариши жуда ҳам қийин. Тақдири азалга ишонади. Агар хуру филмон бўлса ҳам маликадан воз кечмайди. Шунинг учун ҳам уни инкор қилмаслигини илтижо қиласди:

Айди шаҳзода: -Ажойиб сўзларинг бор, эй гўзал,
Не қилурсан сани олсам бўлса тақдири азал,
Сандин ўзга хуру филмон бўлса олмомодур ани,
Қил қабул хизматда бизни айлама радди бадал[2].

Маликани қандайдир бир илинж шу номаълум йигитга боғлаб туради. Шу сабабли бўлса керак ундан воз кечиб кетолмайди. Кўнглидан ўтаётган ўйларини тўкиб солади. Назарида йигитдаги гадолардек ҳол, қиёфа ва мақсад ўзаро бир-бирига мос тушмаётгандек туюлади. Бу орқали нимадандир норозилигини намоён этади:

Айди Гуландом: -Санга бир шаҳлик анжом бўлмаса,
Ё сани отинг ўшал шаҳзода Баҳром бўлмаса,
Шул ҳолинг бирла ўёлмай қайси оғзинг борадур,
Ўзга қизни берсанг, олмам то Гуландом бўлмаса[2].

Бу сўзлардан шаҳзоданинг кўнглида бир умид пайдо бўлади. Ўз исмини эшитиш унга алоҳида бир куч бағишлайди. Натижада ўзи ҳақида ҳам айрим нарсаларни айтишнинг вақти келди, деган қарорга келади. Ҳаттоқи, ўзини таништириб, Рум шаҳзодаси эканлигини сўзлайди. Бироқ ҳозирча исмини ошкор қилишни истамайди:

Айди шаҳзода: -Мани отимни сўрдунг неча йўл,
Айтойин Оллоҳ таоло ҳоҳласа вақти қабул,
Сан мани доим гадодур деб хаёлинг олмасун,
Рум шаҳин шаҳзодасидурман улушум кенгу мўл [2].

Суҳбат ана шу тарзда давом этади. Малика учун очилмаган унчалик ҳам кўп сир колмади. Факат шаҳзоданинг исмини билолмади, холос:

Айди Гуландом: -Азизим, рухсат ўлса кайтоли,
Гар Худо еткурса қолғон сўзни сўнгра айттоли,
Шунча ҳам сўрдумки айт, отингни изҳор этмадинг,
Эй саломат бўл, йигито, биз бали дедик бали[2].

Малика Гуландомнинг суҳбатдан кўнгли тўлгандай бўлади. Рухсат сўраб, яна учрашиш умиди билан саройга қайтади. Кўриниб турибдики, тўртликлар суҳбат жараёнини тўлиқ юзага чиқаришда асосий восита ролини ўйнамоқда. Буни тўртликнинг ички имкониятларидан келиб

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***

*** Gumanitar –ijtimoiyfanlar seriyasi, 2021. № 3 ***

чиққан ҳолда баҳолаш лозим. Чунки ҳар бир тўртликда маълум бир фикр бошланиб, ўз якуний хуносаси билан тугалланмоқда. Бу эса Сайқалийнинг мақсадини тўлиқ рўёбга чиқариш учун хизмат қиласди. Суҳбатни дастлаб ўзини қизиқтирган саволлар билан Гуландом бошлайди. Баҳром эса унга жавоб қайтаради. Баҳромнинг жавоблари асосида Гуландомнинг фикрлари оддий савол-жавобликдан ҳакиқий суҳбатга айланади. Айтилаётган фикрлардан шаҳзоданинг ошиқ эканлиги маълум бўлади. Шаҳзода берилган саволларга бирданига тўғри жавоб бермайди, иложи борича суҳбатни чўзишининг ҳаракатида бўлади. Бу орқали маликанинг ёнида кўпроқ бўлишини хоҳлайди. Суҳбат самимий тарзда кечади. Маликанинг ҳам ғашига тегмайди. Чунки Баҳромнинг оддий одам эмаслигини малика олдиндан ҳис қиласди. Натижа эса кўнгилдагидек якун топади.

Хулоса

Тўртликлар том маънодаги мустақил, мазмунан тугалланган шеърий шакл ҳисобланади. Уларда фикр ихчам ва лўнда ифодаланади. Сайқалий мазкур тўртликлар орқали бирор бир воқеани тасвиrlашни мақсад қилиб олмайди, балки Баҳром ва Гуландомнинг фикр ва мулоҳазалари баёнида уларга таяниб иш кўради. Достондаги тўртликларни бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки ундаги ҳар бир тўртлик мантиқан ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдиради ҳамда шоир ифодаламоқчи бўлган поэтик мақсадни тўлиқ юзага чиқаришга хизмат қиласди. Фикрнинг тугалланганлиги ва мазмуннинг мукаммаллиги суҳбат жараёнининг тасвирида тўртликларнинг ҳам ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади. Бу ҳодисани Сайқалий ўзининг “Баҳром ва Гуландом” достони орқали амалда кўрсатиб бера олганлиги шоирнинг ўзига хос бетакрор маҳоратидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1980. - Б. 56.
2. Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. –Т.: Фан, 1960. – Б.130, 130, 130, 130, 130, 130,131, 131, 132, 132, 132, 132, 132, 133, 133, 133, 133, 133, 134, 134, 134.
3. Орзивеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2006. – 340 б.
4. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 3-том. –Т.: Фан, 1978. – Б. 171-178.
5. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. –Т.: Фан, 1974. – 256 б.

References:

1. Abdullayev V. O‘zbek adabiyoti tarixi. – T.: O‘qituvchi, 1980. – B. 56.
2. Sayqaliy. Bahrom va Gulandom. – T.: Fan, 1960. – B. 130, 130, 130, 130, 130, 130,131, 131, 132, 132, 132, 132, 132, 133, 133, 133, 133, 133, 134, 134, 134.
3. Orzibekov R. O‘zbek adabiyoti tarixi. – T.: Adabiyot jamg‘armasi, 2006. – 340 б.
4. O‘zbek adabiyoti tarixi. 5 tomlik, 3-tom. – T.: Fan, 1978. –B. 171-178.
5. Valixo‘jayev B. O‘zbek epik poeziyasi tarixidan. – T.: Fan, 1974. – 256 б.

Муаллиф:

Маматқулов М. Р. - Гулистон давлат университети, Филология факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент.